



ФРАНЦИЯДА КОНСТИТУЦИОНАЛИЗМ ЭВОЛЮЦИЯСИ ВА V РЕСПУБЛИКА КОНСТИТУЦИЯСИНING ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ

Шухрат Эргашев

Ўзбекистон Фанлар академияси

Тарих институти катта илмий ходими,

тарих фанлари номзоди

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7952114>

ARTICLE INFO

Received: 10th May 2023

Accepted: 19th May 2023

Online: 20th May 2023

KEY WORDS

Франция,
конституционализм,
декларация, республика, де
Голль, парламент,
референдум, президент,
авторитаризм, инқироз

ABSTRACT

Франция конституционализм ғоялари пайдо бўлган мамлакатлардан биридир. 1789 йилги Буюк француз инқилобидан сўнг ўтган вақт давомида Францияда бешта республика алмашди, 15 та конституциялар қабул қилди. 1958 йили қабул қилинган V Республика Конституцияси асосида Франция дунёнинг илғор демократик давлатларидан бирига айланди. Француз конституционализи фақат французлар учун эмас, дунёнинг кўплаб халқлари учун ноёб тажриба ҳисобланади.

Кириш. Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституцион ислохотлар мамлакатда олиб борилаётган янгиланиш жараёнларининг қонуний босқичидир. Зотан, кўпчилик илғор давлатлар ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат ва жамият ўртасида муносабатларнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштиришнинг бир неча тарихий босқичларидан ўтган. Албатта, Ўзбекистонда мустақилликнинг 30 йили мобайнида бу борада етарли тажриба тўпланди ва конституционализм ривожланишининг ўзига хос тенденцияси шаклланди. Бу эса Ўзбекистондаги шундай жараёнларни илғор мамлакатлар, жумладан, Франциянинг конституцион ривожланиши тарихи билан таққослаш имконини беради. Зеро, Ўзбекистон ва Франция ўртасида бу борадаги ҳамкорликка эътибор қаратиб, Шавкат Мирзиёев Франция президенти Эммануэл Макроннинг “Революция” номли китобининг ўзбек тилидаги нашрига ёзган сўзбошида, “мамлакатларимиз олдида турган вазифалар ва амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислохотларнинг муштарак хусусиятга эга экани ва бу ўзгаришлардан кутилаётган натижалар ҳам кўп жиҳатдан ўхшаш эканини инобатга оладиган бўлсак, бундай ҳамкорлик янада муҳим аҳамият касб этади” [3; 5], – дея таъкидлайди.

Бу жараёнда Европа мамлакатлари, жумладан, Франциядаги конституционализм тарихига назар ташлаш биз учун илмий ва амалий аҳамият касб этади. Зотан, Буюк Британия ва Америка Қўшма Штатлари қаторида Франция ҳам конституционализм ғояларининг ватани ҳисобланади.



Асосий қисм. Конституционализмнинг ғоя сифатида пайдо бўлиши Европада капитализмнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Конституционализм доктринаси XVII – XVIII асрларда маърифатпараварларнинг асарларида ишлаб чиқиладиган бошланди. Уларнинг асарларида бу доктрина аввало ҳокимият ва шахс (инсон ва фуқаро) муносабатларини тартибга соладиган конституцияни қабул қилиш билан боғлиқ ҳолда қаралди.

Француз конституционализмининг ўзига хослиги шундаки, у пайдо бўлган вақтдан бошлаб амалий ва деструктив характер касб этди. Зотан, француз конституционализи ғояси аввал бошдан мутлақ монархияни ағдариб ташлашга қаратилган мафкура сифатида пайдо бўлди. Европа бўйлаб конституция байроғи остида бўлиб ўтган, уруш ва террорни келтириб чиқарган инқилоблар озодлик ва тенглик шиорларига ҳамда масонлик шиори – биродарликка таянди. Францияда бу асосни эркинлик ғояси: шахс эркинлиги, сўз эркинлиги, эътиқод эркинлиги ташкил қилган мукамал ҳужжат – 1789 йилги Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларациясида ёрқин акс этди. Таъкилаш лозимки, бу тамойилларга қарама-қарши равишда француз тардиционализи пайдо бўлди ва кейинчалик консерватизмга айланди [4; 6].

Янги даврда тарихий тараққиёт ва ҳаёт олдинга сураётган талаблар қонунлар ва қонунчиликни такомиллаштириш, конституция ва конституцион ҳуқуқни модификациялашни тақозо этди. Янги давр илари сурган шундай даъватлар – тенглик, абсолютизм ва феодал имтиёзларни бекор қилиш каби талабларга жавоб сифатида халқ суверенитети, инсон ва фуқаро ҳуқуқларини эълон қилган, табақавий тенгсизликни бекор қилган конституциялар – 1787 йилги АҚШ, 1791 йилги Польша ва Франция конституцияларининг қабул қилиниши бўлди.

Тарихдаги иккинчи шундай йирик даъват аҳоли кенг қатламларининг демократик ва айниқса ижтимоий талаблари билан боғлиқ эди. XIX асрнинг иккинчи ярмида бу талабларнинг муҳимлиги жамиятнинг ҳукмрон кучлари ва сиёсатчилар томонидан эмас, аввало олимлар – иқтисодчилар, социолог-лар, юристлар томонидан англанди. Натижада шу давр конституцияларига ижтимоий қоидалар бўйича моддаларни кирита бошлашди. Аммо ҳақиқий ижтимоий конституцияларнинг дастлабкиларидан бири 1946 йилги Франция Конституцияси бўлди.

Учинчи йирик даъват бизнинг давримизда юз берди. Бу иккинчи жаҳон урушида фашизм тор-мор қилингандан сўнг жаҳонда бошланган қудратли демократик тўлқин билан боғлиқ эди. Бу жараён XX асрнинг 90-йилларида кўплаб мамлакатларда тоталитар режимларнинг қулаши, мустақил миллий давлатларнинг ташкил топиши билан янги босқични бошдан кечирмоқда [5; 3]. Хусусан, 1991 йилда ўз мустақиллигини эълон қилган Ўзбекистон Республикаси ҳам халқаро нормалар ва миллий анъаналар асосида 1992 йили ўз Конституциясини қабул қилди. 2022 йили Конституциясига ўзгартишлар киритиш бўйича муҳокамалар доирасида Президент Ш.Мирзиёев Конституцияни парламент ваколати билан эмас, балки референдум ўтказиш йўли орқали ўзгартиришни таклиф қилди. «Конституциявий ислохотни фуқароларимиз фикри ва қўллаб-қувватлаши асосида референдум орқали амалга оширсак, бу том маънода халқимиз хоҳиш-иродасининг ифодаси – ҳақиқий халқ Конституцияси бўлади, деб ўйлайман.



Бу “Конституциянинг ягона манбаи ва муаллифи – халқдир” деган тамойилга тўла мос келади», – деди президент [6; 1].

Янги давр талаблари давлат органлари ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва айрим ижтимоий-иқтисодий қоидалари билан чекланган эмас, ўзгача типдаги, инсон ҳаётининг барча асосий жиҳатларини: жамият, давлат, жамоа, шахсни, улар ўртасидаги муносабатлар ва алоқаларни қамраб олган конституцияларнинг яратилишига олиб келмоқда. Кўпчилик ҳолларда конституциялар инсониятнинг глобал муаммоларини ҳам акс эттира бошлади. Бизнингча, айрим конституциялар, жумладан, француз конституцияси ўзининг, хусусан, 1958 йилги де Голль Конституциясини тайёрлаш ва қабул қилиш анъаналаридан келиб чиқаётган бўлсада, ривожланишнинг анашу магистраль йўлидан кетаётганлигини кўрсатмоқда [5” 7].

Франция ҳам 1789 йили тараққиётнинг инқилобий йўлини танлагандан бери ўтган вақт давомида давлат тизимини такомиллаштириш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилди. Янги ва Энг янги даврда 15 та конституциялар қабул қилинди. Ҳозир амалда бўлган Франция Республикаси Конституцияси Франция тарихида биринчи марта умумхалқ референдуми орқали қабул қилинди ва Бешинчи Республика тузулганлигини қайд этди. Таниқли француз давлатшунос профессори Марсель Прело образли қилиб айтганидек, илмий адабиётларда Францияни “конституциялар лабораторияси”, французларни эса “конституциянинг буюк истеъмолчилари” дейишади [7; 9].

Иккинчи жаҳон уруши даврида фашистлар билан ҳамкорлик қилган арбоблар ўз қилмишлари билан Учинчи Республиканинг қулашига олиб келди. Шундан сўнг шакланган Тўртинчи Республика сиёсий тизими марказида яна парламент, бу сафар – бир палатали Миллий мажлис бўлиб, Президентни ва Министрлар совети раисини ҳам у сайлар эди. Бироқ, 1946 йил 4 майдаги референдум бу лойиҳани қўллаб-қувватламади. Янги Таъсис мажлиси таркибида сиёсий кучлар мувозанати ўнг марказ партиялари томонига бир оз ўзгарди.

Француз Қаршилик ҳаракатининг етакчиларидан бири ва атоқли давлат арбоби генерал де Голль 1946 йил 16 июнда Байя шаҳридаги сўзлаган машҳур нутқида “кучли ҳокимият”ни, аввало, парламент олдида ҳисобдор бўлмаган ва кенг ваколатларга эга бўлган президентни қўллаган эди. Бироқ, сўл кучларнинг кескин танқиди давлат қурилишининг бу шаклини конституцияда акс эттириш имкониятини бермади. Натижада 1946 йил 13 октябрда бўлиб ўтган референдумда маъқулланган Тўртинчи Республика Конституцияси республиканинг парламент шаклини ўрнатди ва унда президент ва ҳукуматга нисбатан парламент катта ваколатларга эга бўлди [8; 354].

Шунингдек, урушдан кейинги давр шароитида кучли мустақил давлатни яратиш муаммосига дуч келган Франция социалистлар таъсири остида конституцияга ижтимоий қадриятлар назарияси ва амалиётини киритди. Конституциянинг преамбуласига 1789 йилги Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларациясининг базавий тамойилларидан сўнг либерал тушунчадаги конституционализмга мос келмайдиган бир қатор ижтимоий-иқтисодий тамойиллар қўшилди. Улар орасида стачкаларда қатнашиш, касаба уюшма-ларига аъзо бўлиш ҳуқуқлари, меҳнаткашларнинг ўз



вакиллари орқали меҳнат шароитларини белгилаш ва корхонага раҳбарлик қилишда ишироқ этиш ҳуқуқи, миллий аҳамиятга эга бўлган корхоналарни ижтимоий мулк шаклига ўтказиш талаби, оналар, болалар ва кексаларни моддий таъминлаш кафолатлари кабиларни таъкидлаш мумкин. Конституцияда “эксплуатация қилиш миллий ижтимоий хизмат ёки амалда монополия белгиларига эга бўлган ҳар қандай мулк жамоат мулкига айлантирилиши лозим” дейилди. Ушбу қоидаларни оддий санаб ўтиш ҳам улар конституционализмнинг энг муҳим ғояларига зид эканлигини кўрсатади, шунингдек, унинг деструктив-лик даражасини пасайтиради [4; 6].

Франциянинг 1946 – 1954 йиллари Ҳиндихитойда ўз мустамлакаларини сақлаб қолиш учун олиб борилган ўта мувафаққиятсиз уруши, 1954 йили Жазоир мустақиллиги учун бошланган уруш, шунингдек, мамлакатдаги иқтисодий инқироз давлат механизмини қайта қуриш эҳтиёжини кучайтирди.

1954 йилдан ўнг марказчи партиялар конституцион ислоҳотга тайёрлана бошлади. Бу ислоҳот де Голлнинг Байя шахридаги нутқида айтилган кучли президент ҳокимияти тамойилларини амалга ошириш имконини берар эди. Хусусан, иккиламчи инвестирура тамойилини бекор қилишга эришилади, Республика совети ҳуқуқларини кучайтириш ва парламент палаталарининг позициясини тенглаштириш ҳисобига президент ваколатлари кенгайтирила-ди. Ислоҳотнинг кейинги босқичи президентни умумхалқ сайловларида сайлашни жорий қилишга ва парламентга нисбатан бир қатор, уни тарқатиб юборишгача бўлган чекловлар жорий қилиш, ҳукуматга танбеҳ бериш ҳақида резолюция қабул қилиш кабиларга қаратилди, аммо ислоҳотлар лойиҳаси дастлаб 1956 йили, кейин 1958 йил мартда депутатларнинг кўпчилик қисми томонидан рад этилди.

Жазоир инқирози тўлқинида 1958 йили Шарль де Голль Франция ҳукуматининг бош вазири бўлди ва 1 июнда Миллий мажлис томонидан унга янги конституцияни ишлаб чиқиш учун олти ой муддатга фавқулодда ваколатлар берилди. Илгари голлчилар томонидан ишлаб чиқилган, аммо парламентда маъқулланмаган конституцион ислоҳот ғоялари 1958 йил 28 сентябрда умумхалқ референдумида қабул қилинган Франция Конституция-сига қўшилди. Бу воқеа ҳозиргача мавжуд бўлган Франция Бешинчи Республикасининг бошланиши бўлди [8; 355].

Албатта, 1958 йилги конституция ўзининг замонавийлиги ва бошқа кўплаб жиҳатлари билан ажралиб туради. Бу ўзига хослик конституцияни қабул қилиш жараёнидаёқ бошланган эди. Агар конституцияни тайёрлаш жараёни де Голлнинг шахсий режими шароитида амалга оширилган бўлса, уни қабул қилиш, юқорида айтилганидек, илк бор умумхалқ референдуми орқали амалга оширилди.

1958 йил июнь ойидан бошлаб 1959 йил январь ойигача бўлган 7 ойлик муддат мобайнида Франция V Республикасининг сиёсий тузилиши қандай бўлиши кераклиги Шарль де Голль ва унинг тарафдорлари томонидан белгилаб берилди. 1946 йилги Франция Конституцияси эски ҳисобланиб, унинг ўрнига янги конституция ишлаб чиқиш назарда тутилди. Янги конституция учун 5 та тамойил асос қилиб олинди [9; 418-419]. Улар қуйидаги тамойиллар эди:

Биринчиси, умумхалқ сайловларида овоз бериш ҳуқуқи қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг манбаи бўлиб хизмат қилиши керак.



Иккинчиси, ижро этувчи ҳокимият билан қонун чиқарувчи ҳокимият бир-бирдан ажралган бўлиб, ҳукумат ва парламент ҳар бири ўзининг маъсуллиги асосида хизмат вазифасини бажаради.

Учинчиси, ҳукумат парламент олдида ҳисобдор ва маъсулдир.

Тўртинчиси, суд ҳокимияти мустақил бўлиб фуқароларнинг асосий эркинликларини таъминлайди. Бу эркинликлар 1946 йил Конституция-сининг дебчасида ва 1789 йил қабул қилинган Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларациясида қайд этилган бўлиб, янги Конституцияда ҳам ўз аксини топади.

Бешинчиси, Конституция аҳолининг Республика билан муносабат-ларини ўрнатиши лозим ва Республика асосини халқнинг ўзи ташкил этади (1; 411).

Шу билан бир қаторда, қонун маслаҳат қўмитаси таркибини ва аъзоларининг учдан икки қисми ҳар икки палата депутатлари орасидан сайланишини назарда тутган эди. Қўмитанинг учдан бир қисми ҳукумат томонидан тайинланиши лозим эди. Бу ишчи қўмига Шарль де Голлнинг янги сафдошларидан бири бўлган Мишель Дебре бошчилик қилди. Табиийки, ишлаб чиқилган конституция лойиҳаси референдумга қўйилиши назарда тутилган эди. Ҳукуматга раислик қилаётган Шарль де Голль конституцияни ишлаб чиқишда асосий кўрстмаларни бериб турди. Конституциянинг илк лойиҳасини ишлаб чиқиш учун Шерль де Голль 1799 йил 23 декабрь, 1802 йил 24 август ҳужжатларини кўриб чиқиб, улардан максимал даражада фойдаланишни тавсия этди. Маълумки 1799, 1802 ва 1804 йилларда қабул қилинган конституциялар Наполеон Бонапарт ҳукмронлиги даврида ишлаб чиқилган бўлса, 1852 йилги Конституция Луи Наполеон ҳукуматлиги даврида, 1851 йил 2 декабрдаги давлат тўнтаришидан кейин қабул қилинган эди. Шу маънода Бешинчи Республика Конституцияси ўзида француз буржуа давлатчилиги анъаналарини акс эттирди. V Респуб-лика Асосий Қонунини ишлаб чиқишда XIX аср француз монархистик конституцияларидан бир қатор ўнг институтлар олинди. С.Арнэнинг V Республика Конституцияси “ҳар жойдан бир шингил” тамойили асосида яратилди, деган фикрига қўшилса бўлади [7; 11].

1958 йилги Конституциянинг илк лойиҳасини ишлаб чиқишда Шарль де Голль, Мишель Дебре ва бир неча давлат маслаҳатчилари асосий роль ўйнадилар. Шу тариқа, 1958 йил 14 июль Франция миллий байрами куни конституция лойиҳасининг дастлабки вариантини ишлаб чиқиш ўз ниҳоясига етди.

Конституциявий қўмита 39 аъзодан иборат бўлиб, уларнинг 26 таси ҳар икки палатанинг таниқли ҳуқуқшунослари ва 13 таси ҳукумат томондан тайинланган машҳур сиёсий арбоблар эди. Бу қўмита 14 августгача ишлади ва конституция лойиҳасининг ҳар бир моддасини модификациялаб, таҳрир қилди. Конституция лойиҳаси матни кўриб чиқиш учун Давлат кенгашига, сўнгра Вазирлар кенгашига топширилди. Лойиҳа 4 сентябрга қадар Давлат кенгаши ва Вазирлар кенгаши томонидан кўриб чиқилди ва маъқулланди. Шундан сўнг Конституция лойиҳаси умумхалқ референдумига қўйилиши режалаштирилди.

1958 йил 28 сентябрда бўлиб ўтган референдум қуйидаги натажаларни берди: конституция лойиҳасини ёқлаб 79,25 фоиз, унга қарши 20,75 фоиз киши овоз берди. Конституция лойиҳасига қарши овоз берганлар асосан Франция коммунистик



партияси тарафдорларидан иборат эди. Конституция 1958 йил 4 октябрдан бошлаб кучга кирди ва мамлакатнинг асосий қонуни бўлиб қолди [10; 631]. Конституция ҳукумат органи – “Журналь Офисель”нинг 5 октябрь сонида чоп этилди.

1958 йилги Конституция билан дастлабки танишиш ёки уни демократия қуриш йўлига яқинда ўтган давлатлар конститцияларининг матни билан енгил солиштириш оммавий ҳокимиятни ташкил қилишнинг француз модели ортиқча мураккабликлар, чалкашликлардан иборат ва яқунламагандай туюлади.

Замонавий конституцион ҳуқуқнинг анъанавий категорияларини тартибга солишдаги узвийлик, ҳокимият олий оғанлари ваколатларининг батафсил рўйхати, матннинг турли қисмлари ўртасидаги уйғунлик кабилар бу Конституциянинг устунлиги ҳисобланмайди. Шунингдек, суд ҳокимияти-нинг одатдаги ролини акс эттирувчи белгиларнинг йўқлиги, сиёсий-ҳуқуқий ривожланиш жараёнида факультатив ва компенсацион функцияларни бажа-рувчи олий ҳокимият органларининг кўплиги кишини чалғитиши мумкин. Буларнинг барчаси содда, аниқ ва демократик романча юридик усулга тўлиқ мос тушмаслиги мумкин.

Аммо бу ерда бир қанча омилларни ҳисобга олиш лозим. Биринчидан, Франция конституциялари бу мамлакат конституцион тарихининг аввалидан бошлаб прагматик нуқтаи назардан қаралган. Бу фақат олий идеаллар рўйхати бўлиб хизмат қиладиган рамзий характердаги акт эмас, бевосита ҳаракат учун ҳужжат бўлиб, унга асос сифатида мурожаат қилиш мумкин.

Иккинчидан, матндаги номутаносиблик муаммонинг долзарблигини акс эттиради ва француз жамияти уни Асосий қонунда мустаҳкамлаб қўйишни жуда муҳим деб ҳисоблайди. Шу сабабали 1958 йилги Конституция француз давлатчилиги ривожланишининг шу даврдаги муаммоларига жавоб сифатида пайдо бўлди.

Учинчидан, Франция ўзининг демократик конституцион тарихини ёзишни 1958 йилда бошлаган эмас. Бундан ташқари, бу даврда унинг худудида Европа мамлакатларининг ривожланиш мантиғидан кескин фарқ қилган, совет тузумига ўхшаган, қандайдир янги тамойиллар асосидаги муқобил сиёсий реалликни яратиш учун мувафақиятли уриниш бўлган эмас. Яъни, Франциянинг конституцион тарихини узлуксиз жараён сифатида қабул қилиш мумкин, у сўнгги икки ўн йилликда ўзларининг демократик конституцияларини қабул қилган Африка, Яқин Шарқ ёки Шарқий Европа мамлакатлари сингари оқ варақдан бошлаши шарт эмас.

1958 йилги Конституция Францияни Европа ва дунёнинг буюк давлати деб ҳисоблаган де Голль тарафдорлари бошчилигидаги ўнг марказчи партия-лар фаолиятининг маҳсули бўлди. Учинчи ва Тўртинчи республикалардаги ўта парламентпараст режимлар келтириб чиқарган сиёсий режимнинг ҳақо-ратли даражада кучсизлиги энди ватанпарвар, лидер ва миллат доҳийсининг кучи билан енгиб ўтилиши керак эди. Аввалги француз монархларининг қоронғи тарихи, Петэн диктатураси ва қўшни Европа мамлакатларидаги фашист лидерларининг доҳийпарастлиги узоқ вақт французларни кучли лидер ғоясидан узоқлаштириб келди. Бироқ, тарқоқ ва асосан сўл партиялар-нинг урушдан кейин мамлакат олдида турган янги муаммоларни ҳал қилишга лаёқатсизлиги де Голлнинг “республика монархияси” ҳақидаги сўзларига ишонч бахш этди [8; 356].



Шу сабабли генерал де Голлнинг шахсий ҳокимият режими шароитида ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган 1958 йилги Франция Конституцияси асосан давлат органларининг тузилиши ва улар ўртасидаги мунсабатларни б елгаб берди. Унда инсон ҳуқуқлари тўғрисида айтилмади (у 1789 йилги Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларацияси ва 1946 йилги Конституция преамбуласи билан тартибга солинган, деб ҳисобланди), аммо сиёсий характердаги айрим принципиал қоидалар унда акс этди. Айтилдики, халқнинг бирон бир қисми ёки шахс халқ суверенитетини амалга оширишни ўзлаштириб олиши мумкин эмас. 4-моддада сиёсий партияларнинг роли ва уларни ташкил қилиш принциплари белгиланди: партиялар фикрларни овоз бериш йўли билан изҳор қилишда кўмаклашади, улар ўз фаолиятини эркин ташкил қилади ва амалга оширади, улар миллий суверенитет ва демократия принципларини хурмат қилиши лозим, дейилди [5; 7].

1958 йилда қабул қилинган Конституцияга кўра V Республика ҳуқуқий жиҳатдан парламент республикасига ўхшаб кетсада, бироқ АҚШнинг президентлик республикасига ёки 1919 йил ташкил этилган Германиянинг Веймар республикасига яқинроқ эди.

1958 йилги Конституцияга биноат Республика президенти 7 йилга сайланар ва яна 7 йилдан сўнг қайта сайланиш ҳуқуқига эга эди. Президентни сайлашда ҳар иккала палата депутатлари ва сенаторлар бош маслаҳатчилари, маҳаллий органлар ёки муниципалитет маслаҳатчилари, шунингдек метропо-лия маҳаллий мажлислари депутатларининг вакиллари ва Франциянинг денгиз орти департаментларида жойлашган ҳудудлар вакиллари қатнашар эди.

Президент Конституция асосида ўз қўлида катта ваколатларни жамлаган эди. Бир томондан 1875 ва 1946 йилги конституциялардаги барча ваколатлар унга ажратилган бўлиб, бош вазирни тайинлаш, ва бош вазир тавсиясига кўра барча вазирларни лавозимга тайинлаш ҳуқуқига эга эди. Шунингдек, президент вазирлар кенгаши мажлисларига раислик қилар, ордонанс ва декретларни имзолар, хорижий мамлакатларга элчилар тайин-лар, ташқи сиёсат ҳам унинг назоратида бўлиб, қабул қилинадиган ҳар қандай қонун фақат президент имзолагандан сўнг кучга кирар эди. Айни пайтда, президент фавқулодда ҳолатларда парламент сессиясини чақириш ва уни яқунлаш ҳуқуқига эга эди. Миллий мажлис сессияси давомийлигидан бир йил ўтгач, президент уни тарқатиб юбориш ҳуқуқига ҳам эга эди. Конституция кенгаши аъзоларидан 9 тасини президент тайинлар ва кенгаш раисини тайинлаш ҳам президент ваколатларига кирар эди. Магистрантлар-нинг Олий кенгаши таркибига ҳам 9 аъзони тайинлаш президентнинг ҳуқуқи эди. Президент, Конституцияга кўра, давлатнинг олий ҳаками ҳисобланарди.

1958 йилги Конституциянинг 11-моддасига кўра президент референ-дум ўтказиш ҳуқуқига ҳам эга бўлди. Бундай ҳолат кўп жиҳатдан Конститу-циянинг бош муаллифи бўлган де Голлнинг дунёқараши билан боғлиқ эди. Католик ва роялистик анъаналар ҳукм сурган оиладан чиққан де Голль Учинчи ва Тўртинчи республикаларнинг парламентлик режимларига чуқур душманлик руҳи билан қарарди. Генерал Франциянинг барча кулфатлари унинг сиёсий тизимидаги камчиликларда эканлигига ишонарди.



Албатта, ҳуқуқ институтлари олдиндан “модернизациялаштирилди”. Масалан, 1958 йилги Конституциянинг 16-моддасида Республика Президент-ти вақтинча шахсий диктатурасини эълон қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу аниқ 1814 йилги Хартиянинг 14-моддасидан олинган, V Республика Конституцияси томонидан ўрнатилган ҳукуматга “икки томонлама ишонч” эса Луи-Филипп давридаги конституцион амалиётдан, ҳукуматнинг регламентар актини одат (қоида), Парламент қонунини эса истисно деб эълон қилиш Наполеон III ҳукмронлиги даврида қабул қилинган қоидаларни эслатади [11; 10-11].

Бундай фавқулудда ҳолат, ташқи уруш хавфи, фуқаролар уруши ёки мамлакатнинг бирлигига ва яхлитлигига таҳдид солувчи кучлар пайдо бўлганида жорий этилиши кўзда тутилган эди. Шунини мамнуният билан қайд этиш мумкинки, ўтган олти йилдан ортиқроқ вақт давомида V Республиканинг бирор бир президенти (Шарль де Голль, Жорж Помпиду, Валери Жискар д’Эстен, Франсуа Миттеран, Жак Ширак, Никола Саркази, Франсуа Олланд, Эммануэль Макрон) Бешинчи Республика Конституция-сининг 16-моддасига мурожаат этиб, уни қўллаган эмас.

Илмий адабиётларда Бешинчи Республика Конституциясини ишлаб чиқишда Учинчи ва Тўртинчи Республикалар давлат қурилишига асос бўлган тамойиллар тубдан қайта кўриб чиқилди, деган фикр мавжуд. Ижро ҳокимиятини кучайтириш, парламентаризмни қисқартириш таклиф қилинди. Бешинчи Республика Конституцияси парламентнинг “умумий характердаги қонунлар” қабул қилиш компетенциясини чеклаши лозим ва бу ҳокимиятлар бўлиниши тамойилини янада кучайтирарди. Бу Р. Капитан ва Ш. де Голль манфаатларига мос эди. Мамлакат ҳаётида президентнинг ролини кучайтириб, давлат бошлиғи институтига алоҳида эътибор бериш лозим эди.

Франциянинг тарихий тажрибасини, айниқса, 1791 йилги Франция Конституцияси Европадаги дастлабки конституциялардан бири эканлиги ва унинг кейинги узоқ давр мобайнидаги конституцион ривожланишини инобатга олсак, Франциянинг конституцион ривожланишида ворисийлик масалсини таҳлил қилиш зарурати пайдо бўлади.

Франция Конституциясидаги ворисийлик одинги даврдаги конституцион ривожланишни, давлат қурилишини, бошқарув шаклини сақлаб қолишни тақоза этади, аммо 1958 йилги Франция Конституциясини қабул қилиш жараёнида ва 2008 йил ёзда амалга оширилган ислоҳотда сиёсий режим ўзгарди, энди Франция “аралаш типдаги президент республикаси” бўлиб қолди [2; 5].

Хулоса. Франциянинг конституцион ривожланиш тажрибаси Ўзбекистон Республикаси учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зотан, 1992 йили 8 декабрда қабул қилинган, 2009, 2016, 2017 йиллардаги ўзгариш ва қўшимчалар (жами 16 та) билан амалдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўзининг демократик принциплари ва давлат олий органлари мақомининг тизими ва асослари конституцияда белгилаб қўйилганлиги билан Франция Конституциясига яқин. Ўзбекистондаги конституцион ислоҳот жараёнида ҳам Франция каби мамлакатнинг тарихий тажрибасини ўрганиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Зеро, Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки чорак асрида босиб ўтган йўл, кучли президент бошқаруви ва авторитар режимнинг шаклланиши



кўп жиҳатлари билан Шарль де Голль даврида Францияда мавжуд бўлган бошқарув тизимига жуда яқин. Масалан, дастлабки йилларда Ўзбекистон Президенти И.Каримов бир вақтнинг ўзида Вазирлар Маҳкамасининг раиси лавозимини ҳам эгаллаши тажрибаси Францияда дастлаб 1958 йили де Голль томонидан жорий қилинган эди.

1958 йилда генерал Шарль де Голль раҳбарлигида қабул қилинган Конституция – янги қонун, авваламбор III ва IV Республикалар конституция-ларидан фарқли равишда президентлик республикаси конституциясидир. Шарль де Голлнинг яқин сафдоши бўлган Мишель Дебре 1958 йил 27 августда Давлат кенгашида сўзлаган нутқида: “Барча муаммоларнинг ечими, сиёсий тизим механизмнинг калити Республика Президенти шахсида мужассамлашган”, – деб бежиз айтмаган эди [2; 5]. 1958 йил 4 сентябрь куни Шарль де Голль Париж шаҳридаги Республика майдонида халқ олдида сўзлаган нутқида барча французлар ва францияликларни конституция лойиҳасини қўллаб обоз беришга чақирди. Юқорида қайд этганимиздек Франциянинг миллий қаҳрамони Шарль де Голлнинг бу нутқи референдум натижаларининг ижобий ҳал бўлишида катта роль ўйнади.

References:

1. Les Constitutions de la France depuis 1789 – P., 1970.
2. Les grands textes de la pratique institutionnelle de la Ve Republique. – P., 1990.
3. Макрон Э. Революция. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019.
4. Пашенцев Д.А. Французский конституционализм в условиях европейской интеграции. <https://cyberleninka.ru/article/n/frantsuzskiy-konstitutsionalizm-v-usloviyah-evropeyskoj-integratsii/viewer> (мурожаат санаси: 26.06.2022)
5. Чиркин В.Е. Вызовы современности и развитие французской конституции. <https://cyberleninka.ru/article/n-vyzovy-sovremennosti-i-razvitiye-frantsuzskoy-konstitutsii/viewer> (мурожаат санаси: 21.06.2022)
6. Шавкат Мирзиёев референдум ўтказишни таклиф қилди. <https://kun.uz/news/2022/06/20/shavkat-mirziyoyev-referendum-otkazishni-taklif-qildi> (мурожаат санаси: 21.06.2022)
7. Юбко В.А. Конституционная эволюция во Франции. <http://www.studiapolitologiczne.pl/-/115819,0,2.html> (мурожаат санаси: 19.06.2022)
8. Швердяев С.Н. Организация государственной власти и разделение властей во Франции // Организация государственной власти в России и зарубежных странах. Учебно-методический комплекс / Рук. авт. кол. и отв.ред. проф. Авакьян С.А. – М.: Юстицинформ, 2014.
9. История Франции в трех томах. Т.3. М., 1973.
10. Арзаканян М.Ц., Ревякин А.В., Уваров П.Ю. История Франции. – М.: Дрофа, 2005.
11. Серебренников В.П. Конституционное право Франции. Проблемы эволюции государственно-правовых институтов Пятой Республики 1958–1976 гг. – Минск, 1976.